

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ,ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ  
ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ҲЎЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. GМ/Т.41.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

**ДАЛИМОВ РУСТАМ ТУРАБЕКОВИЧ**

**ҚУРАМА ЗОНАСИ ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНЛАРИ  
ДАЙКАЛАРИНИНГ ПЕТРОЛОГИК-ГЕОКИМЁВИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Геология-минералогия фанлари бўйича фан доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)  
по геолого-минералогическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)  
on geological-mineralogical sciences**

Далимов Рустам Турабекович Курама зонаси олтин маъданли конлари дайкаларининг петрологик-геокимёвий хусусиятлари.....	3
Далимов Рустам Турабекович Петролого-геохимические особенности даек золоторудных месторождений Кураминской зоны.....	27
Dalimov Rustam Turabekovich Petrological and geochemical characteristics of dykes gold deposits of the Kuramin zone.....	51
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works .....	55

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ,ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ  
ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ХЎЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. GМ/Т.41.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ**

**ДАЛИМОВ РУСТАМ ТУРАБЕКОВИЧ**

**ҚУРАМА ЗОНАСИ ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНЛАРИ  
ДАЙКАЛАРИНИНГ ПЕТРОЛОГИК-ГЕОКИМЁВИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1DSc/GM32 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида [www.ing.uz](http://www.ing.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ишбаев Халбай Жангирович**  
Геология-минералогия фанлари доктори,  
профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Антонов Александр Евгеньевич**  
Геология-минералогия фанлари доктори

**Цой Владимир Деньевич**  
Геология-минералогия фанлари доктори  
профессор

**Долгополов Феликс Геннадьевич**  
Геология-минералогия фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улугбек номидаги ЎЗМУ**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳўзуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. GM/T.41.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил \_\_\_\_\_соат\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент, Ш.Руставели кўчаси, 114. Тел.: (99871) 253-09-78; факс: (99871) 250-92-15; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент, Ш.Руставели кўчаси, 114. Тел.: (99871) 253-09-78; факс: (99871) 250-92-15; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ю.И.Иргашев**

Илмий даражалар берувчи  
Бир марталик Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., профессор

**М.Г.Юлдашева**

Илмий даражасини берувчи  
Бир марталик Илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

**М.М.Пирназаров**

Илмий даражасини берувчи  
Бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, г.-м.ф.д.

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон амалиётида олтин маъданли гидротермал конларнинг ҳосил бўлиши магматизм билан, асосан субвулқон ва вулқон оғзи фациялари билан парагенетик боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ҳосил бўлиши ва таркиби турлича бўлган дайкаларни тадқиқ этиш натижасида олинган илмий натижалар геология, петрология ва маъданлашувнинг дайка комплекслари билан боғлиқ бўлган қатор муҳим масалаларнинг ечилишига ёрдам берган. Шу билан бирга олтин маъданли конларнинг ҳосил бўлишида дайкаларнинг ролини аниқлаш муҳим мезонлардан биридир.

Бугунги кунда дунёда дайкаларни ўрганиш, уларнинг формацион турини, ёшини, келиб чиқишини ва эндоген маъданлашув билан боғлиқлигини аниқлаш билан боғлиқдир. Дайкаларнинг моддий таркибининг ўзига хослигини тадқиқ этиш орқали магмаларнинг ҳосил булиш манбаълари, магмаларнинг шаклланиш чуқурлиги, нодир ва тарқоқ элементлар тўпланишининг термодинамик шароитлари ҳақида далиллар олиш мумкин. Кичик интрузияларнинг чуқурлик магматик формациялари билан боғлиқлиги, уларнинг ҳосил булиш механизми, сабаблари ва ҳосил бўлиш чуқурликлари масалаларининг ечилиши, айниқса маъданлашув билан генетик ёки парагенетик боғлиқлигининг аниқланиши фундаментал илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Республикада петрология соҳасида ҳар тарафлама ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган, ишлаб чиқилган дастурлар ва мазкур йўналиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар соҳани янада ривожлантиришдаги муҳим масалаларни ҳал этмоқда, жумладан геологик тасвирлаш, қидириш ва геологик тадқиқотларнинг бошқа турларини ўтказиш суръатини ошириб, қаттиқ фойдали қазилмалар захираларини юксалтиришга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш...» вазифалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб қуйидаги масалалар: дайкаларнинг формацион ажратиш, таркиби ва ёшини аниқлаш; худуд магматизмининг ривожланиш тарихида уларнинг тутган ўрнини аниқлаш; конкрет геодинамик ҳолат билан боғлиқлигини аниқлаш, маъданли майдонларнинг ҳосил бўлиш қонуниятларини ва мезонларини ишлаб чиқиш, уларнинг маъданлашув билан боғлиқлигини аниқлаш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармони, 2018 йил 1-мартдаги ПҚ-3578 «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида», 2017 йил 24-майдаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тизимидаги ягона геология хизматини тузиш бўйича чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ- 3004-сон Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда курсатилган вазифаларни белгиланган тартибда амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII - «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Кичик интрузиялар, дайкали ҳосилалар таркиби, ёши ва маъданлашув билан боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлардунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Токуо Institute of Technology (Япония), Chinese Academy of Geological Sciences (ХХР), Institute of Geological Sciences (Вьетнам), М.В.Ломоносов номидаги Россия давлат Университети, Россия ФА Карпин номидаги Геология ва маъданли конлар институти (Россия), Россия ФА Сибир бўлими, Геология институти (Россия), Россия ФА Урал бўлими Геология ва геокимё институти (Россия), Минерал ресурслар институти (Ўзбекистон) ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олиб борилмоқда.

Плита ичи магматизм таъсирида ҳосил бўлган фойдали қазилмалар конларини баҳолашга оид жаҳонда олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: Урал-Монгол бурмали камари магматизмини 200 млн йилдан ортиқ назорат қилувчи йирик «суперплюм»нинг шакли ва ўлчамлари аниқланган (Chinese Academy of Geological Sciences (Хитой), Россия ФАнинг Урал бўлими, Геология ва геокимё институти) иссиқ нукталарнинг вужудга келиши ва чуқурлик пўсти билан ўзаро таъсирлашуви натижасида ҳосил бўлган магматик формацияларнинг ва улар билан боғлиқ бўлган маъданли объектларнинг турли-туманлиги аниқланган (Chinese Academy of Geological Sciences, Хитой), дайкаларнинг ва плита ичи магматизми маҳсулотларининг петрологияси, геокимёси ва минералогияси бўйича Россиянинг шимолий-шарқида ва шарқида, Хитойнинг шимолида дайкалар формацион (Россия ФА Геология ва маъданли конлар институти, Россия ФА Сибир бўлими Геология институти), континентал турдаги ер пўстига мантия плюмининг таъсири натижасида лампрофир дайкаларнинг турли-туманлиги (Institute of Geological Sciences, Хитой, Россия ФА Сибир бўлими Геология институти) ва уларнинг олтин маъданлашув билан боғлиқлиги аниқланган (РФА Урал Геология ва геокимё институти), қитъаларнинг фаол чекка ҳудудларида нордон таркибли дайкалар билан генетик боғлиқ бўлган асл металллар конларининг вужудга келиш сабаблари аниқланган (Chinese Academy of

Geological Sciences, Хитой, Россия ФА Геология ва маъданли конлар институти).

Дунёнинг бурмаланган ўлкаларида кенг тарқалган дайкаларни комплекс ўрганиш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: дайкалар геокимёси, петрологияси, минералогияси ва металлогениясини, формацион, флюид ва қотишмақўшимчаларнинг термодинамикасини аниқлаш; маъданли майдонлар эволюциясининг петрологик-генетик моделларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дайкалар магматик жинсларнинг мустақил комплекси сифатида Х.М.Абдуллаев, Б.Н.Абрамов, В.И.Айзенштат, П.М.Анкудович, Р.Ахунджанов, С.М.Бабаходжаев, О.А.Богатиқов, В.В.Волков, И.Н.Ганиев О.П.Горьковой, Н.А.Горячев, Т.Н.Далимов, Ф.К.Диваев, Х.Д.Ишбаев, А.Э.Изох, Ф.Б.Каримова, В.А.Клипенштейн, В.В.Козирев, В.А.Кононова, В.П.Коржаев, И.В.Левченко, У.Д.Мамарозиков, Д.Ж.Матчанов, И.М.Мирходжиев, Л.А.Михалева, Г.Т.Таджибаев, Ф.А.Усманов, Г.Б. Ферштатер, И.Х. Хамрабаев, З.А.Юдалевич, D.Brunet, R.E.Ernst, K.L.Buchan, N.M.S.Rock каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган бўлиб, уларда дайкаларнинг умумий систематикаси, тегишли магматик комплексларга муносабати, маъданлашув билан боғлиқлиги келтирилган. Уларнинг орасида Х.М.Абдуллаевнинг «Дайкалар ва маъданлашув» (1957) номли – ушбу муаммо ҳақида дунё бўйича биринчи марта маълумотлар тўпланган ва хозир ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган фундаментал асарини алоҳида таъкидлаш зарур.

Дайка комплексларининг геологияси ва бўлиши мумкин маъдандорлиги бўйича муҳим ва ишончли натижалар олинган бўлишига қарамай, турли геодинамик шароитлар дайка комплексларининг формацион тегишлилиги ва уларнинг моддий таркибининг аниқ характеристикаси масалалари охиригача ечилмаган.

Диссертант томонидан 2011-2018 йиллар давомида Қурама зонасида жойлашган олтин конларидаги дайкаларнинг магматизми, уларнинг геологик жойлашуви, геологик-структуравий, петрографик, петрокимёвий, минералогик ва геокимёвий хусусиятлари тадқиқ этилди. Натижада олтин маъданли конлардаги дайкалар ёши ва минерал таркибига қараб ажратилиб, уларнинг ҳосил бўлишида чуқур ер ёриқлари муҳим аҳамият қасб этиши кўрсатилди. Илгари ўтказилган ишлардан фарқи мазкур тадқиқотда Чотқол-Қурама худуди юқори палеозой магматизми кесимида тарқалган дайкаларнинг геодинамик ҳолати тиклангани, уларнинг формацион таҳлили ва петрологик-геокимёвий хусусиятлари ёритилганлигидадир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти “Минерал ресурслар институти” ДКнинг илмий

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий-илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; [www.elibrary.ru](http://www.elibrary.ru)

тадқиқот ишлари режасининг: «Геологик тасвирлаш, қидирув-разведка ва тематик ишлар материалларини йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришасосида Чотқол-Қурама худудидаги олтин маъданли майдонлар чегарасидаги дайкалар ва дайка тоғ жинсларининг эндоген маъданлашувга ваўзаро бир-бирига таъсири ва боғлиқлигини ўрганиш»(2012–2015йй), «Ўрта Тиён-Шон (Чотқол-Қурама худуди) гидротермал олтин конларини шакллантирган маъдан ҳосилқилувчи тизимлар моделини яратиш» (2012–2015йй), «Магматик тоғ жинслари петротипи атласини тузиш»(2012-2015 йй.), «Олмалиқ маъданли худуди Унгирикон майдонидатарқалган гидротермал ўзгарган жинсларнинг моддий таркибини ҳамда маъданли кичик порфир интрузияларнинг фашиал-формацион жойлашуви ва таркибининг петрологик-геокимёвий ўзига хослигини ўрганиш» (2012–2015 йй.)мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўрта Тиён-Шон Қурама зонасининг олтин маъданли конларида тарқалган дайкаларнинг петрологик-геокимёвий ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг олтин маъданларининг жойлашишида тутган ўрнини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

дайкалар камарини 1:10000 ва 1:25000 масштабда геологик тасвирлаш;  
дайкали ҳосилаларнинг минералогик-петрографик хусусиятларини, петрохимёвий таркибини ва ёшини аниқлаш;

олтин маъданли конларда эндоген маъданлашув билан дайкаларнинг ўзаро алоқаларини тадқиқ этиш;

дайкали комплексларнинг эволюциясини аниқлаш;

Ўрта Тиён-Шон региондаги юқори палеозой плитаичи магматизми ҳосилаларининг генетик моделини яратиш ҳамда уни Урал-Монгол бурмаланган ўлкасининг модели билан таққослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Чотқол-Қурама зонасидаги Чодак, Реваште, Говасой, Кўчбулоқ олтин маъданли конларида тарқалган дайкалар ва дайкасимон геологик жинслардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни алоҳида мустақил кичик интрузияли дайкалар, уларнинг геологик ўрни, петрологик-геокимёвий, минералогик хусусиятларининг ўзига хослиги ва структуравий жойлаши ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида геология-қидирув ишларининг аниқлиги ва ишончилигини баҳолаш бўйича жаҳон амалиётида маълум бўлган замонавий усуллар қўлланилди: тоғ жинсларини ҳосилқилувчи минераллар нафақат поляризация ва (ёки) маъдан микроскопи остида, балки JXA - 8800 «SuperProbe» «Jeol» микрозонди, Elan-6600 масс-спектрометри, шунингдек, Perkin Elmer аппаратураси ёрдамида ўрганилди. ISP-MS усули ёрдамида дайкалар таркибидаги петроген ва маъдан ҳосилқилувчи элементларнинг концентрациялари аниқланди. Дала тадқиқотлари - намуналар олинган холда петрографик профиллар ва кесмалар тузилди. Петрографик усуллар - шаффоф ва сайқал берилган



шлифлар тайёрланди, поляризацион микроскоп остида жинсларнинг таркиби ва структураси ўрганилди, петрогеокимёвий усуллар ёрдамида жинсларнинг кимёвий таркиби ўрганилди, диагностик петрокимёвий диаграммалар тузилди, миқдори элементларнинг кларклари билан солиштирилган ҳолда элементларнинг ҳолати ўрганилди. Дайка жинсларини пухта петрографик, минералогик, петрокимёвий ва геокимёвий изотоп билан тадқиқ этишда ҳамда юқори палеозой «Қурама иссиқ нуқтаси» мантия плюмининг петрологик-генетик моделини тузишда Excel, PetroExplorer компьютер дастурларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дайкалар бўйича гўшсой, гўзаксой, ўрикли, чодак дайкали комплекслари ажратилган ва уларнинг муस्ताқиллиги геологик ўзаро муносабатлари, таркибларининг петрологик-геокимёвий хусусиятлари ва мутлақ ёши билан асосланган;

дайкали комплекслар қуйи перм-бўр даврида Қурама зонасининг кечки палеозой «иссиқ нуқталари»нинг эволюцияси натижасида ҳосил бўлиши исботланган;

дайкали комплекслар таркиби – мончикитлар, оливинли долеритлар, эссекситлар, муджиеритлар, риолитлар, сиенитлардан иборат эканлиги аниқланган;

илкбор Қурама зонасида ўтказилган йирик масштабли хариталаш асосида Гўшсой комплекси дайкалари орасида ишқорли-далашпатли риолитлар ажратилган;

Қурама зонасида минералогик, петрологик, геокимёвий хусусиятлари ва геохронологик маълумотлар асосида триас даврига мансуб янги ишқорли ўта асос тоғ жинслари – мончикитлар ажратилган;

Ўрта Тиён-Шоннинг юқори палеозой даврида мантияли плюмининг эволюцияси босқичма-босқич ривожланганлиги аниқланган ва плитаици магматизми комплекслари Марказий Осиё рифт системаси магматизми маҳсулотлари билан ўзаро асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дайкали комплексларнинг геологик ўзаро муносабатлари, таркибларининг петрологик-геокимёвий хусусиятлари ва мутлақ ёши аниқланган, қуйи перм ва бўр даври дайкали комплекслари асосида Қурама зонасининг кечки палеозой эволюциясининг генетик алоқаси аниқланган;

Қурама регионида «иссиқ нуқталарнинг» ҳосил бўлиши ва ривожланиш эволюцияси, регионнинг блокли тузилиши ва турли томонга йўналган чуқур ер ёриқларининг дайкали комплекслар ҳосилалари билан тўлдирилганлиги аниқланган; турли хил таркибли дайкалар (мончикитлар, оливинли долеритлар, эссекситлар, муджиеритлар, риолитлар, сиенитлар) ажратилган;

илк бор Қурама регионида ўтказилган йирик масштабли хариталашда гўшсой комплексида ишқорли-далашпатли риолитлар ва мутлақо янги триас даврига мансуб ишқорли-ўта асос тоғ жинслари-мончикитлар ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилигитадқиқ** этилаётган объектларда дайкаларни ўрганиш борасида геологик, петрографик, минералогик, геохимёвий ва геохронологик усуллар қўлланилгани билан асосланади. Олинган натижалар дала тадқиқотлари материалларига -Қурама зонасининг олтин маъданли майдонларини муфассал текшириш, яъни 12000м.структуравий-литологик кесмаларнинг геологик мувофиклаштирилган 150 км маршрутларини тасвирлаш, 145 та геологик кузатувлар нуқталарини муфассал тасвирлаш, 345 та силикат анализи, алоҳида элементларнинг 150 та анализи ва Rb-Sr изотопия усулида мутлақ ёшни аниқлашбўйичатўпланганматериалларга таянади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмийаҳамиятишундаки, мураккаб тузилишли дайка ҳосилалари мажмуасини битта комплексга бирлаштирилганлиги уларнинг орасида яқин таркибли ва бир – биридан кескин фарқланувчи, кетма-кет дифференцияланган генетик турлар ажратиб кўрсатилганида ўз аксини топган. Уларнинг умумий эволюцияси антидромлибўлиб, магма ҳосилқилувчиўчоқларнинг муттасил чуқурлашиб борганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларинингамалий аҳамияти дайкали камарларни йирик масштабда хариталаш асосида ва уларнинг петрохимёвий ҳамда геохимёвий хусусиятлари асосида Гўшсой комплексининг дайкалари орасида таркибида  $K_2O$  ва  $SiO_2$  миқдориноқорибўлиши характерли бўлган, ультракалийли жинслар ҳисобланган ишқорий дала шпатли риолитлар ажратиб кўрсатилган. Тадқиқ этилган маъданли майдонларда олтин маъданлашувининг кўпбосқичли эканлиги аниқланган. Айрим саноатбоп маъданлашув майдонининг перм даврига мансуб эканлиги ва қизилнура вулканитлари ҳосилбўлгандансўнг Гўшсой комплексивужудга келгани, Реваште конида эса Гўзаксой комплексининг дайкаларидан кейинҳосилбўлгани кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қурама зонаси олтин маъдан конларидаги дайкаларнинг петрологик – геохимёвий хусусиятларини аниқлаш буйича олинган илмий натижалар асосида:

Чотқол-Қурама зонасининг Чодак, Реваште, Кўчбулоқ ва Ғовасой маъданли майдонларидаги дайка комплексларининг моддий таркибини, уларнинг геологик ва мутлақ ёшини аниқлаш ва олтин маъданлашуви билан алоқадорлигини аниқлаш натижалари «Тошкентгеология» Давлат унитар корхонасининг Шарқий-Қурама геология-қидирув экспедициясининг геология-қидирувишлари амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 02-2/44-сон маълумотномаси). Натижада изланиш, геология-қидирув ва асосий маъданли майдонлар бўйича тематик ишлар йўналишларини режалаштириш имконинияти яратилган;

дайка комплексларининг аниқланган геологик-петрографик, петрохимёвий ва геохимёвий ўзига хос хусусиятлари ҳамда кичик интрузияларнинг ҳосил бўлиш механизмлари «Тошкентгеология» Давлат

унитар корхонасининг Шарқий-Қурама геология-қидирув экспедицияси объектларида излаш ва тематик ишлар амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 02-2/44-сон маълумотномаси). Натижада олтин маъданлашувининг петрологик ва минералогик-геокимёвий қидирув белгилари сифатида объектлар бўйича махсус қидирув ишларини олиб боришимконини берган;

кичик интрузияли дайка комплексларининг олтин маъданлашуви билан аниқланган генетик боғланиши Шарқий-Қурама геология-қидирув экспедицияси томонидан олтин ва нодирметалли маъданлашувни башорат қилиш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 02-2/44-сон маълумотномаси). Натижада магматик жараёнлар аҳамиятини ва улар билан боғлиқ маъданлар минераллашувини баҳолаш ва Чотқол-Қурама региони объектларида олтин маъданлашуви бўйича қидирув ишларини ўтказиш самарасини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шу жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибида кириш, олтитабоб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Дайка ва маъданлашув муаммоси ва унинг Чотқол-қурама зонасида ўрганилиш ҳолати**» Чотқол-Қурама ҳудудида тарқалган дайкаларнинг умумлаштирилган ўрганилганлиги, ҳамда уларнинг геологик хариталашда аҳамияти кўрсатилган. Дайка ва дайкасимон ҳосилалар қўйилган вазифаларни бажаришда катта ёрдам беради. Ҳудудда ҳар бир геологик ривожланиш босқичида дайкалар ҳосил бўлган ва уларнинг геологик муносабатларига кўра жуда узун камарлар ташкил қилиб,

уларнинг тузилиши, таркиби ва маъдандор формациядаги ўрни генетик боғланганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин.

Иккинчи бобда «**Чотқол-Қурама зонасининг геологик тузилиши ва магматизмининг муҳим қирралари**» қисқача Қурама зонасининг геологик тузилиши ва магматизм, вулқон структуралари ва ер ёриқларининг тавсифи ва улар билан дайкаларнинг ёши боғлиқлиги ҳақида муаллифнинг қарашлари келтирилган.

Учинчи бобда «**Чотқол-Қурама зонаси дайкали ҳосилаларининг геологияси ва петрографияси**» Чодак, Реваште, Ғовасой, Кўчбулоқ олтин маъданли майдонларида тарқалган дайкалар геологик тавсифланган. Хар бир дайкали комплекс учун тўлиқ геологик-петрографик тавсиф берилган (1-жадвал).

1-жадвал

Дайкали ҳосилаларнинг ёши бўйича бўлиниши

Комплексларнинг номи	Ёши	Петрографик турлари	Дифференциация турлари
Чодак	J <sub>1-2</sub> , Rb-Sr 175-8±3 млн.й.	Оливинли долерит	Бир хил таркибли
Ўрикли	P <sub>1-2</sub> 265±6 млн.й.	Эссексит,трахириодацит, трахидолерит, муджиерит	Контраст
Гўзаксой	P <sub>1-2</sub>	Граносиенит, ортоклаз кварцли сиенит, риолит, лейкогранит- порфир, микросиенит, долерит	Контраст- дифференциациялашган
Гўшсой	P <sub>1</sub>	Сиенит-порфир, ишқорли дала шпатли риолит, гранодиорит- порфир	Қисман дифференциациялашган
Қуюнди	C <sub>3</sub>	Гранодиорит-порфир, диорит- порфир, базокварцли риолит	Бир хил таркибли

Дайкалар Чодак маъданли майдонида кенг тарқалган. Г.Е.Завьялов маълумотлари бўйича 1 км<sup>2</sup> майдонга ўртача 10 та дайка тўғри келади. Чодак маъданли майдонида дайкаларҚумбел ва Шимолий-Фарғона чуқур ер ёриқлари ўзаро кесишган жойда тарқалган.

Тадқиқ этилаётган маъданли майдонда **Қуюнди комплекси** (C<sub>3</sub>) базокварцли риолит, монзонит-диорит-гранодиорит формацияли дайкалар энг қариси ҳисобланади. Ушбу дайкаларнинг кўпчилик қисми Ўрикли гумбазсимон кўтарилмаси бўйлаб жойлашган қуюнди комплексининг дайкалари гумбазсимон кўтарилишнинг охириги босқичда ҳосил бўлган.

*Базокварцли риолит* дайкалари Ўрикли гумбазсимон кўтарилмасининг ёпиқ қисмларидаоқувчан ва чизиқли тарқалган. Уларнинг қалинлиги 2 метрдан 30-40 метргача, ётиш бурчаги 30-70° атрофида, қия ва тик бурчак остида ётади, узунлиги 50 метрда 300-400 метргача етади. Дайкалар турли хил йўналишга қараб чўзилганлиги, уларни гумбазсимон кўтарилиш пайтида вужудга келган дарзликларни тўлдириб ёриб чиққанлиги билан ифодаланади. Базокварцли риолитлар қизғиш-кулранг рангда, озгина порфир ажралмалари кўзга ташланиб, кварц ва дала шпати шаклида учрайди. Атроф жинслар

билан контакт қисмида афир структура билан флюидал текстура ошиб боради.

**Гўшсой комплекси** гранит-гранодиорит-сиенит формациясига мансуб. Ушбу комплекснинг таркибида учта петрографик тур ажратилиб улар: гранит-порфир, гранодиорит-порфир, сиенит порфир ва ишқорли дала шпатли сиенит. Чодак грабенида алоҳида дайкалар камари бошқа дайка камарлари ичида учрайди. Улар Ғовасой грабенида дайкалар камарини ҳосил қилиб, шимоли-ғарбий томонга қараб субмеридионалга яқин йўналиш бўйлаб чўзилган. Сўрикомдан Ғовагача дайкали камарнинг қалинлиги 10 км яқин. Бунда нисбатан кенг тарқалган дайкаларга гранодиорит-порфир ва гранит-порфирлар кириб, уларнинг қалинлиги 5 метрдан 50 метргача, алоҳида поғоналарида ўртача узунлиги 400-500 метрни ташкил қилади. Ишқорли дала шпатли риолитлар ва сиенитлар 2-3 метр қалинликка эга бўлиб унчалик кенг тарқалмаган, уларни Жўласой, Чодак маъданли майдони атрофида учратиш мумкин. Уларнинг узунлиги ўртача 100-400 ташкил қилади. Деярли ҳамма дайкалар тик бурчак остида ётади.

*Гранодиорит-порфирлар* ўзаро геологик муносабатига кўра комплексда энг биринчи ҳосил бўлган дайкалар сирасига киради. Уларнинг қалинлиги 10-15 метрни ташкил этиб, оч кулранг, пушти рангда, порфир ажралмалари калий дала шпати мисолида намоён бўлади. Тобланган зонасининг қалинлиги 10-15 см ташкил этиб, тўқ кулранг рангда бўлиб, зич асосий массада онда-сонда кварц ва биотит доналари учрайди.

Ғовасой дарёсининг чап бортида гранодиорит-порфирлар «шишаидишсимон» интрузия ҳосил қилган. Ушбу тананинг жанубий қисми шурабсой комплекси андезибазальтлари томонидан кесиб ўтган. Дайкасимон ҳосиланинг эни 400-500 метрни ташкил этади ва узунлиги 750 метргача, тананинг бир қисми торайиб 5-10 метр қалинликдаги дайкага ўтади ва 500 метрдан кейин Опарсой ер ёриғи билан кесилади. Ташқи кўринишига кўра лейкократли гранодиорит-порфирлар пушти, пушти-кулранг рангда бўлиб порфирсимон тузилишга эга.

*Гранит-порфир* дайкалари қалинлиги 5-10 метр, узунлиги эса 450-500 метрга етиб, асосан Ғовасой маъдали майдонининг Опарсой, Жилғали ва Сўрикомсой дараларида кенг тарқалган. Гранит-порфирларни Опарсой гранитоидли интрузив массиви кесиб ўтган. Мазкур гранит-порфирлар Кўчбулок маъданли майдонининг Лоёқ ва Гўшсой дарёси хавзаларида ҳам кенг тарқалган.

Гранит-порфирларнинг ташқи кўриниши пушти, қўнғирдан қизил ранггача бўлиб, порфир ажралмалари икки генерацияда ҳосил бўлган. Биринчи генерация порфир ажралмалари кичик ўлчамдаги (0,5-3,0 мм) плагиоклаз, кварц, калий-натрийли дала шпатлари ва қора рангли минераллардан ташкил топиб, пушти яширин кристалланган асос массада сал кўзга ташланади. Микроскоп остида жинсларни яққол порфирли структураси намоён бўлади. Минерал доналари плагиоклаздан, калий-натрийли дала

шпати, кварц ва биотитдан иборат. Айрим шлифларда амфиболнинг битта-иккита доналари аниқланган.

*Ишқорли дала шпатли риолитлар* чегараланган тарқалиш доирасига эга, асосан Жўласой (Чадак маъданли майдони) камарида учрайди. Улар пойма-пой таналар ҳосил қилиб, узунлиги 100-200 метр, қалинлиги 2-3 метрни ташкил қилади. Ишқорли дала шпатли риолитлар кулранг-қизил рангда, флюидал йўналиши бўйлаб кварц ва калийли дала шпати минерал доналари 10-15% миқдорда тарқалган.

*Кварцли сиенит-порфир* таркибли дайқалари Чодак маъданли майдонида анчагина кенг тарқалган. Улар шимолий-шарқ томон йўналган, шимолий-ғарб томонга тик бўрчак остида дайқа ва дайқасимон ҳосилаларни ҳосил қилади. Пойма-пой дарзликларни тўлдирган узунлиги 100-200 метрда 1,5 км гача этади, ўртача қалинлиги 5-10 метрни ташкил қилади. Сиенит-порфир дайқалари Сувсиз участкаси майдонида Чўлоқ-Терак интрузиви гранитоидлари томонидан кесиб ўтилади. Ушбу геологик муносабатлар асосида Гўзаксой комплексининг мураккаб сиенит-порфир дайқаларига эрта перм ёши берилган. Кварцли сиенит-порфир дайқалари Бобойтовдор экстрўзияси ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки дайқалар ҳар доим шимоли-шарқий йўналишда чўзилмаган бу ўз навбатида Мозор ва Пирмироб участкасининг ўнг бортида унчалик катта бўлмаган шимолга 10-15° чўкиш ҳосил бўлиб ҳалқасимон структуранинг қолдиқларидан ҳосил бўлганилигини кўрсатади.

**Гўзаксой комплекси** долерит-лейкогранитли формацияга мансуб бўлиб, дайқалар таркиби жуда ўзгарувчан, улар долерит, лейкогранит-порфир, микросиенит, трахириолит, кварцли сиенит, граносиенит ва бошқа тоғ жинсларидан ташкил топган. Чодак ва Реваште маъданли майдонида ушбу дайқалар жуда кенг тарқалган. Қўчбулоқ маъданли майдонида юқоридаги комплекс дайқаларидан фақатгина долеритлар тарқалган. Ғовасойда эса икки хил тури яъни риолит ва долеритларни учратиш мумкин. Гўзаксой дайқаларининг ўзига хос бўлган хусусиятларидан бири, Қурама зонасида уларнинг икки ва уч хил тузилишли мураккаб дайқалари кенг тарқалган.

Формациянинг ёши геологик муносабатларига кўра кечки пермни ўз ичига олиб, улар қуйидагича баҳоланади: 1) долерит-лейкогранит формациядаги дайқалар юқори палеозойнинг барча магматик ҳосилаларини, жумладан шайдон туридаги гранитоидларни (Шайдон, Чўлоқ-Терак ва Опарсой массивларини) ҳам кесиб ўтади. Опарсой гранитоидининг мутлақ ёши (рубий-стронцийли усул)  $291 \pm 7$  млн. йилни (Долимов, 2010) ташкил этади. 2) Чодак маъданли майдонидаги ортоклаз-кварцли сиенитлар калий-аргон усули бўйича ёши  $228 \pm$  млн. йилга тенг бўлиб, у қуйи пермга тўғри келади. Мазкур дайқалар Чоркесар массиви гранитоидлари томонидан ёриб ўтилган.

Чодак дарёси ҳавзасида уч дона икки хил таркибли ва бир дона уч хил таркибли тузилишга эга дайқалар учрайди. Барча дайқали камарларда мураккаб дайқалар шимоли-шарқий томонга йўналган: Оқтошда - 60°,

Шимолий Гўзаксойда – 40-45° Кокинсойда – 20-40°. Ҳаммасининг ётиш бурчаги тик (60-80°) бўлиб жанубий-шарқ томонга ётади.

Мураккаб дайкаларнинг алоҳида қисмларга ажралиб ривожланганлиги, уларнинг генезиси жуда мараққаблигидан далолат беради.

Дала тадқиқот кузатишлар асосидамурракаб дайкаларининг ҳосил бўлиш кетма-кетлиги қуйидагича: 1 – долеритлар; 2 – микросиенитлар; 3 – лейкогранит-порфирлар. Шунини таъкидлаш жоизки ўрта таркибли «андезитсимон» ва «микросиенит» жинслар нордон ва асос магманинг аралашидан вужудга келади. Бунинг исботи сифатида андезитларнинг контакт қисмида биотит ва кварц доналарининг кенг ривожлангани мисол бўлади.

Юқорида баён этилган мурракаб дайкаларнинг алоҳида таркиби алоҳида таналар мисолида ҳам учрайди. Долерит ва микросиенит дайкаларининг ўзаро муносабатига кўра уларда долеритлар нисбатан қариоқ. Бунга қараб биз «микросиенит» дайкаларини иккига бўла оламиз, алоҳида микросиенит дайкалар ва уч хил таркибли тузилишга эга бўлган мурракаб дайкадаги «микросиенитлар». Уч хил таркибли тузилишга эга дайкаларнинг қалинлиги 10-12 метр, узунлиги 100 метрда 3-4 км гача. Икки хил таркибли тузилишга эга бўлган дайкаларининг қалинлиги бир мунча энсиз 4-5 метргача, узунлиги алоҳида поғоналарида 100 метрдан 300-400 метргача ётади.

*Долеритлар* мурракаб дайкаларнинг четки қисмини баъзан алоҳида дайкалар ҳосил қилиб узунлиги 100-500 метр, қалинлиги 1-3 метр поғонасимон дарзликларни тўлдирди. Долеритларнинг ташқи кўриниши тўқ-кулранг, баъзида қора ранггача ўзгариб, микродонали структура ҳосил қилади. Асосий массада кам ҳолларда ўрта ва асос таркибли ( $An_{35-55}$ ) плагиоклаз кристаллари, пироксен ва юмолоқ ксеноморф кварц доналари учрайди.

*Микросиенитлар* мурракаб дайкалар таркибида кузатилади. Тоғ жинсининг юзаси жуда кучли дарзланган, ушбу дарзликларни темир гидрооксидлари тўлдирган. Уч хил таркибли тузилишга эга бўлган мураккаб дайкалардаги долеритлар билан контактига яқинлашгани сари уларнинг таркибида калишпатни миқдори ортади ва биотит ҳосил бўла бошлайди.

*Лейкогранит-порфирлар* шимолий-шарққа томон йўналган дайкали камарлардаги мурракаб дайкаларнинг марказий қисмида учрайди. Бундай дайкалар Чодак грабенида учта тўтрта, шунингдек шимолий ҳудудларда Кандирсой, Майдонсойнинг ўнг ирмоғида аниқланган. Оқтош ва Шимолий Гузаксой камарида алоҳида флюидал тобланган зонали, қалинлиги 5-6 метрни, узунлиги 150-300 метрни ташкил этувчи лейкогранит-порфир дайкалари аниқланган. Шимолий Гўзаксой камаридаги лейкогранит-порфирларнинг  $1\text{ м}^2$  қисмига 5-6 дона меланократли жинслар ксенолитлари учрайди.

Реваште дарёси ҳавзасида бешта мурракаб икки хил таркибли тузилишга эга дайкалар кўзатилиб, уларнинг йўналиши шимолий-шарқдан шимоли-ғарбга ўзгарган. Улар умумий унинлиги 1,5 км бўлган поғонасимон очилма

бериб, баъзида марказий қисмдан ёки ён қисмдан ёпилади, ҳамда улар ётиш бурчагини (50-75°) шимолий-шарқдан шимолий-ғарбга ўзгартиради, кўпчилиги шимолий-шарққа йўналган.

Икки хил таркибли тузилишга эга мурракаб дайкаларнинг марказий қисми фельзитсимон бўлиб таркиби бўйича лейкогранит-порфирга чет қисми долеритга тўғри келади. Фельзитсимон лейкогранит порфирлар қизғиш рангда, яширин кристалланган асосий массада 0,5-1,5 см ли калий-натрийли дала шпатлари ва майда юмолоқ кварц доналари учрайди. Қалинлиги 2,5 метрдан юқори дайкаларда лейкогранит-порфирларнинг кристалланиши кескинлашиб гранит-порфирларга ўтади, порфирсимон 2,5 см ли ортоклазнинг йирик фенокристаллари аллотриоморфдонали массада яққол ажралиб туради.

Гўзаксой дайкали комплексининг ёши қизилнурадани ( $P_1$ ) кейинги деб аниқладик, бунга кўра юқори Чодаксой ва Мўзбел тоғининг чўққиларида қизилнура комплексининг трахириолитларини мурракаб дайкалар кесиб ўтган. Ёшининг юқори чегараси Оқтошда икки хил таркибли тузилишга эга бўлган мураккаб дайкаларни арашон комплекси гранитоидлари (Чоркесар массиви) кесиб ўтади.

Гўзаксой комплекси граносиенитларини У.Д.Мамарозиков (2018) кечки перм ёшидаги чилтен туридаги граносиенитлар билан тенглаштиради.

**Ўрикли комплекси.** Мазкур комплекс жинслари Чодак маъданли майдонида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг қарисидан ёшига қараб қуйидаги жинсларга бўлинади: муджиеритлар, трахидолеритлар, трахириодацитлар, ва эссекситлар. Муджиерит дайкалари қизилнура комплексини кесиб ўтган геологик муносабати Охангарон дарёсининг ўнг бортида аниқланган. Оқтошсойнинг юқори оқимида трахидолерит ва эссексит дайкаларини Чоркесар массивининг гранитоидлари кесиб ўтади. Тадқиқотлар давомида Оқтош участкаси эссексит дайкасининг мутлақ ёши  $265 \pm 6$  млн. йил ( $^{87}\text{Sr}/^{86}\text{Sr}=0,712$ ) яъни қуйи перм даврига тўғри келади. Юқорида келтирилган муносабатларга кўра комплекс дайкаларининг ёшини қуйи перм деб баҳоланди.

*Муджиеритлар* – тўқ кулранг рангдаги порфир структурали жинс, порфир ажралмаларида фенокристалларнинг миқдори кўпроқ, умумий ҳажми 20-30% ташкил этади. Муджиеритлар Жўласой дайкали камарида нисбатан камроқ тарқалган. Уларнинг қалинлиги 1,0 метргача, узунлиги 20-50 метрни ташкил этади. Ташқи кўриниши тўқ кулранг, порфирли структурали, зич, кварцлашган, порфир ажралмалари плагиоклаз, пироксен, озгина иккиламчи кварцдан иборат. Пирмироб конида мазкур дайка қора рангда бўлиб плагиоклаз 3-4 см ли фенокристаллар ҳосил қилади. Жўласой дайкали камарида мазкур дайкалар унчалик катта бўлмаган 1,0 метргача қалинликда, узунлиги 20-50 метргача этади. Петрографик хусусиятларига кўра муджиеритлар учта турга бўлинади. Муджиеритларни аниқлашда энг асосий мезон сифатида уларнинг таркибида нордон таркибли ( $An_{22-23} An_{27-28}$  гача) плагиоклазлар ҳисобланади.



*Трахидолеритлар.* Улар Оқтош дайкали камарида кенг тарқалган бўлиб, шимолий-шарқ йўналишга чўзилган, Жўласой дайкали камарида эса мазкур дайкалар шимолий-ғарбга йўналган. Ётиш бурчаги шимолий-шарқ ёки жанубий-шарққа қараб тик ётади. Реваште маъданли майдонида алоҳида дайкалар Реваштенинг ўнг бортида ва Музбел участкасида ҳам тарқалган. Трахидолеритлар 100 метрдан 1000 метргача чўзилган поғонасимон дарзликларни тўлдирди, қалинлиги 1 метрдан ошмайди. Тоғ жинсининг ташқи кўриниши қўнғир-қулранг, майда донадор структурали яширин кристалланган тобланган зонаси билан характерланади. Макроскопик тоғ жинсида майда плагиоклаз доналари ва тўқ рангли минераллар билан бирга, бўшлиқларни тўлдирган юмалоқ шаклдаги кварц ёки карбонат аралашмалар учрайди. Трахидолеритлар плагиоклаз (70-85%), қора рангли минераллар (10-15%), калий дала шпати ва кварцдан (2-3%) ташкил топган.

*Трахиродацитлар* факатгина Мозор дайкали камарида учрайди, кўп қисми Чодаксоининг чап қирғогида, бошқа тарқалиш ареаллари эса ҳудуднинг шимолий қисмида Айғирбайталсоининг чап борти, Кандагансой ва Сансалаксоида аниқланган. Трахиродацитларни Ўриклисоида кўпчилик эссексит дайкалари кесиб ўтганини кузатиш мумкин, бу ҳолат эссексит дайкаларини нисбатан ёшлигидан далолат беради. Мазкур дайкалар ёшининг қуйи чегараси Ўриклисоининг ўнг бортида гўзаксой комплексига мансуб долеритлар ва граносиенитларни трахиродацитлар ёриб ўтгани билан аниқланади.

Трахиродацит дайкалари 200-300 метрли 50-85° бурчак остида ётувчи 15-30° йўналиш азимутига эга бўлган дайкалар ҳосил қилади. У қизғиш-қулранг рангда, порфир структура ҳосил қилади. Ушбу дайкаларнинг икки хил тури мавжуд: биринчисининг марказий қисми флюидал текстурага эга, иккинчиси эса яхлит асосий масса билан порфир структуралидир. Икки хил кўринишга эга бўлишига қарамадан уларнинг таркиби бир хил, тобланган зонаси 2-3 см қалинликда бўлади.

*Эссекситлар.* Мазкур дайкалар Чодак маъданли майдонида анчагина кенг тарқалган. Унинг кўпгина қисми мозор дайкали камарида бўлиб, улар Чодаксоининг чап бортидан шимолдан жанубга қараб чўзилган. Баъзи қисми Чодаксоининг ўнг борти, Мозор, Кокинсой, Айғирбайталнинг ўнг борти бўйлаб ҳам учратиш мумкин. Бошқа тарқалиш ареали Жўласой дайкали камарида, Жўласой ер ёриғига параллел тарзда очилма берган.

Кўпчилик геологик муносабатларига кўра эссексит дайкалари ўрикли комплекси ҳосилаларининг энг ёши ҳисобланади.

Кўпинча эссексит дайкаларининг қалинлиги 1-2,0 метрни ташкил этиб, факатгина Чодаксоининг ўнг бортидаги Оқбулоқ учаскасида Чодакбоши ер ёриғигача чўзилиб қалинлиги анча қалин 12 метрдан иборат, бора-бора энсиз дайкаларга бўлиниб кетган қалин дайкани учратиш мумкин. Мазкур дайкаларнинг ташқи кўриниши қўнғир-жигарранг, тўқ-жигарранг, қалин дайкаларнинг марказий қисми оч қулранг. Дайканинг тобланган зонаси тўқ қулрангдан қора ранггача, асосий массаси яширин кристалли ва унда онда-

сонда плагиоклаз минерал ажралмалари кўзга ташланади. Эссекситларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ўлчами бир неча смдан 1,0-1,5 метрга эга гранитоид ксенолитлари учрайди.

**Чодак комплекси** тадқиқотлар олиб борилган олтин маъданли конларда бир хил таркибга эга оливинли долеритлардан ташкил топган. Комплекс дайкалари Чодак, Ғовасой ва Реваште маъданли майдонларида кенг тарқалган. Қурама зонасидаги ҳамма магматик ҳосилаларни, шу билан бирга Арашон комплекси гранитоидларини мазкур комплекс дайкалари кесиб ўтиши муносабати билан геологик жиҳатидан энг ёш комплекслардан бири деб аниқланган. Мутлақ ёши  $175,8 \pm 3$  млн. йил (Rb-Sr изохрона  $^{87}\text{Sr}/^{86}\text{Sr} = 0,7065 \pm 4$ ) юра деб аниқланган (Далимов, 1984).

*Оливинли долеритлар* поғонасимон дарзликларни тўлдиради. Поғоналар шимолий-ғарбий томонга йўналган бўлиб, узунлиги 200-300 метрдан 500 метргача. Дайкалар  $70-80^\circ$  тик бурчак остида бўлиб, шимолий-шарқий ёки шимолий-ғарбий томонга ётади. Улар маъданли майдонларда деярли 0,7-1,0 метр, ҳар икки томонидан 5 см. гача тобланган зонаси билан бир хил қалинликдадир. Реваште дарёсининг чап бортида 1-штолня оғзидан 250 узоқда оливинли долеритлар алоҳида поғонаси узунлиги 25 метргача бўлган баландлиги 5 метргача етадиган девор ҳосил қилган. Мазкур жойда дайканинг қалинлиги 6,5 метр кенгайгани кузатилади. Оливинли долеритларнинг ташқи кўриниши тўқ кулранг қора ранггача, улар учун шарли ажралмалар характерли. «Шарлар» дайканинг бириктирувчи массасига қараганда зич ва кам нураган, шунинг учун ташқи юзасида шарли ажралмалар ҳосил бўлган. Шарларнинг катталиги 50 сантиметргача етади. . Микроскоп остида оливинли долеритлар кўп ўзгармаган минераллар йиғиндисидан иборат. Жинслар офитли, пойкилофитли, баъзида габброли структурага эга. Порфир ажралмаларида 1,5-2,0 мм ўлчамидаги плагиоклаз ( $\text{An}_{54-58}$ ) ва онда-сонда (1-2%) ромб шаклидаги 0,3-0,4 мм ўлчамли лейкоксен, иддингсит ва хлорит аралашмасига тўлиқ ўзгарган оливиннинг қолдиқ доначалари намоён бўлган. Порфир ажралмалари орасида оливин биринчи бўлиб кристалланган, плагиоклазнинг биринчи генерациядаги кристаллари оливинга нисбатан идиоморф ҳолатда.

Тўртинчи боб «**Чотқол-Қурама зонаси дайкали комплекс-ларнинг петрокимёвий хусусиятлари**». Олдин ҳар бир дайкали комплексни алоҳида бўлганимиздак петрокимёвий маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Ўз навбатида қуёнди комплекси – бу бир хил бўлган нордон таркибли жинслардир. Гўшсой комплекси асослилиги бир қанча юқорилиги ишқорлари баланд бўлгани билан, хусусан калий оксидининг юқорилиги билан тавсифланган. Гўзаксой комплекси (трахидолерит-граносиенитли) яққол контрастли, улар фракциялашиш коэффиценти ва темирнинг оксидланиши юқорилиги билан тавсифланади. Мазкур комплекснинг нордон дифференциати ишқорлилиги ( $\text{K} > \text{Na}$ ) юқори микросиенитлар билан намоён бўлган. Кейинги (ўрикли) комплекс ҳам (муджиерит-риодацитли) контрастлиги билан тавсифланади. Уларда титаннинг юқори миқдори,

норматив минерал таркибда нефелин намоён бўлади ва глинозёмнинг юқорилиги ўзига хос хусусиятга эга. Ва ниҳоят, чодак комплексининг барча белгилари субишқорли трапп формациясининг охириги босқичида ҳосил бўлганидан дарак беради.

Иккинчидан, ҳар бир комплекснинг ўзига хос бўлган петрокимёвий хусусиятларига қарамасдан, дайкаларнинг бир қатор умумий хоссаларини бирлигини кўзатиш мумкин: юқори ишқорли оҳак-ишқорли қаторга тўғри келиши, юқори глиноземлиги, паст магнийлиги, асос таркибли дайкаларнинг норматив минерал таркибида нефелин пайдо бўлиши, темирнинг юқори оксидланганлигидадир. Буларнинг барчаси регионал петрокимёвий фонда ўз аксини топади.

Учинчидан, барча тўпланган петрокимёвий маълумотлар ер пўсти маҳсулотларининг (фигуратив нуқталарнинг тарқоқлиги, долеритларда норматив кварц борлиги) ҳосил бўлган жинслардаги таъсири аён бўлган.

Асосий маъдан майдонларида жинсларнинг умумий ишқорлигини санаб чиқилди. Бунга кўра, Чодак маъданли майдонидаги долеритларда агпаитлик коэффиценти – 0,40 бўлса, Реваштеда – 0,24. Худди шундай ўзгариш гўзаксой комплексининг сиенит ва долеритларида ҳам кўзатилади.

Бундай қонуният гўшсой комплекси гранитларида ҳам намоён бўлган: Кўчбулоқда – 0,54, Қизилолма маъданли майдонида эса – 0,35.

Қурама зонасидаги маъданли майдонларда тарқалган дайкаларнинг петрокимёвий хоссалари юқорида келтирилган маълумотларга қараб жанубдан шимолга қараб камаётганини кузатиш мумкин.

Бешинчи бобда **«Чотқол-Қурама зонаси дайкали комплексларнинг геохимёвий хусусиятлари»** тарқоқ ер элементларининг таҳлили, рубидий, стронций, барий ва сидерофил элементларнинг тарқалиши бўйича қатор хулосалар қилинган.

Биринчидан, таркибига қарамасдан барча дайкали комплексларда кўйидаги умумий хусусиятлари мавжуд: НЕЭ юқори қийматлари, европий минимум борлиги, рубидийнинг юқори фони, ҳамма тадқиқ этилган маъданли майдонлардаги дайкаларнинг генетик яқинлигини кўрсатади.

Иккинчидан, барча дайкали комплексларда НЕЭ, Rb, Sr, Ba ва бошқа элементарнинг анчагина кенг тарқоқ қийматлари билан тавсифланади. Ва бошқа тенг мазкур дайкали комплекслар хусусиятлари магманинг ер пўсти билан чуқур ассимиляция қилганидан дарак беради. Жумладан, ушбу ҳолатни Rb, Sr, Ba асосий тоғ жинсларида баландлиги билан тушунтирилади.

Учинчидан, олдин ўтказилган геологик хулосаларга мос келган ҳолатда ҳар бир дайкали комплекснинг қатъий-индивидуал хусусиятлари аниқланди. Мисол учун, қуюнди комплексида НЕЭ фонипаст, Rb ва Sr тўғри корреляцияси, иттербийли минимум, гўшсой комплекснинг хусусиятлари – НЕЭ тарқоқ қийматлари, лантаноидларда церий гуруҳининг баландлиги, Th юқори миқдорли қиймати ва бошқалар.

Олтинчи боб **«Дайкаларнинг ҳосил бўлиш механизми ва маъдан майдонларидаги маъданлашув билан боғлиқлиги ҳақидаги баъзи**

**муаммолар»** Тиён-Шон перм бошланиши ва мезозой охиригача, қўшни йирик тектоник Урал-Монгол бурмали камари билан периферик муносабатни эгаллаган. Худди шу ерда перм даври охирида узоқ фаолият кўрсатган Марказий-Осиё рифт системаси (МОРТ) ривожланиб, у Байкалорти ва Мўғилистондан чўзилиб, Шимолий-Ғарбий Хитойдаги Тарим траппини кўшиб олган (2-жадвал).

**МОРТ плитаичи фаоллик босқичлари.**

Кечки карбон – қуйи перм босқичи.

2-жадвал

**Марказий Осиё рифт системаси ва Чотқол-Қурама зонаси кечки палеозой – қуйи мезозой плитаичи магматизмининг ҳосил бўлиш босқичлари (В.В.Ярмолюк ва бошқалар бўйича, 2013)Чотқол-Қурама зонаси бўйича муаллифнинг қўшимчалари билан**

Плитаичи фаоллик босқичи	
Кечки Карбон – эрта перм босқичи	
(МОРТ)	Чотқол-Қурама зонаси
	(Ўрта Тиён-Шон)
<p><b>Тарим-Жанубий-Монгол</b> – ишқорли базальт ва толеит серияли юқори титанли базальтлар; Тартибга солинган областлар – бимодал ассоциация ва пикродолерит ва пикрит интрузиялар (290-275). <b>Рифт тизмалари:</b> <i>Гоби-Тиён-Шон:</i> - грабенлар, ботиклар-бимодал базальт-коментдентли ассоциация, дайкали камарлар, субишқорли ва ишқорли гранитлар (318-280), Li-F лейкогранитлар (285); <i>Асосий Монгол линеamenti</i> – субишқорли ишқорли гранитлар.</p>	<p><b>Рифт зоналари:</b> - грабенлар-трахиандезит-дацитли ассоциациядаги надак комплекси жинслари (301-307 U-Pb). Монцодиорит-диорит-гранодиоритли формация қуюнди комплекси (302 U-Pb).</p>
перм эрта триас босқичи	Перм босқичи
